

ISSN 2181-6131

# ТАФАККУР ZIYOSI



ilmiy-uslubiy jurnal

## Тафаккур зиёси 1/2019

16

Ижтимоий ҳаёт  
ва фалсафа

Филология:

тил, адабиёт ва  
бөлъклор

Инновациял ва  
педагогик  
таълим

76

Мозий  
садолари

86

Географиял ва  
туризм

93

Илм-фан  
ва техника

УДК: 7A6

# ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КЛАСТЕР УСУЛИНИ ТАДБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Миркомил ФЎДАЛОВ - ЖДПИ География ўқитиши методикаси кафедраси ўқитувчиси.

## Аннотация

Мақолада Жиззах вилоятида давр талабларидан келиб чиққан ҳолда туризмни кластер усулида ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: туризм, механизм, хорижий сайёх, экотуризм, агротуризм, этник туризм, кластер, миллий боғ, сайёхлар оқими, экологик сўқмоқ.

## Аннотация

В данной статье освещены практические аспекты развития туризма Джиззакской области методом кластера на основе современных требований.

Ключевые слова: туризм, механизм, иностранный туризм, экотуризм, агротуризм, этнический туризм, национальный парк, поток туристов.

## Annotation

In this article highlighted the practical aspect of improving tourism by cluster model in Djizzakh region according to requirements of time.

Key words: tourism, mechanism, foreign tourist, ecotourism agrotourism, ethnic tourism, cluster, national parc, tourists tren, ecological path.

Ўзбекистонда сўнгги 2 йил давомида энг кўп эътибор берилаётган соҳалардан бири сўзсиз - туризм соҳасидир. Туризмни ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан бир қанча қарор ва фармонлар чиқарилганини, унинг ижро самародорлиги эса кунлик ҳаётимиздаги ўзгаришларда ўз аксини топиб бораётганини - улкан бир механизмни яхши ишләётганинидан далолат бермоқда. Та什ки ва ички туризмни параллел равишда ривожланиб бориши натижасида, сайёхлар оқими бир неча баробар ўсишига эришилди. Бу ўз навбатида, сайёхлар орқали тушадиган даромадни ҳам ортишига олиб келди[3].

Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2017 йилда Ўзбекистонга 2 млн хорижлик сайёх келган ва ялги ички маҳсулот улуши 2,3 % ни ташкил этган. Яқин йилларда хорижлик сайёхлар оқимини 4-4,5 млн га ва ялги ички маҳсулотдаги улушини 5 фоизга етказиш бўйича ишлар олиб берилаётганини хам диккатга сазовардир.

Туризмни янада ривожлантириш мақсадида, жорий йилнинг 29-30 август кунлари Жиззах вилоятида Халкарко инвестицион форум ташкил этилди. Форум доирасида Хитой ва Туркиялик ишбормонлари билан ҳамкорликда Бахмал ва Зомин туманларида туризм соҳаси бўйича кластер лойиҳасини амалга ошириш истиқболлари мухокама этилди. Унга кўра, лойиха З босқинига ажратилиди: 1) экотуризм; 2) агротуризм; 3) этник туризм.

Экотуризмни ривожлантириш учун эса 2 минг гектар ер майдони ажратилиди. Лойиха доирасида ушбу ҳудудда эколоѓик сўқмоқлар таъкидлаш қилиш, от, эшак ва квадротцуклда сайр қилиш, фуникулерлар қуриш, тоғ чанғиси мажмуаси, реф-

торан ҳамда ахборот маркази, музей ва маҳаллий хунармандчилик маҳсулотлари сотиши дўконлари барпо этиш режалаштирилган.

Агротуризмни ривожлантириш мақсадида 5 минг гектар ер ажратилиди. Ушбу майдонда дам олиш уйлари, спорт мажмуалари, камёб ҳайвонот ва ўсимлик турларини саклаш учун питомниклар курилади. Шунингдек, молхоналар ҳамда асал этишириш хўжаликлари ташкил этилади. Бу ерда сайёхлар түяларда сайр қилиш, кўпкари ўйинини томоша қилиш, мева териш, ўти ўриц каби қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этиш мумкин бўла-ди[1].

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси разисининг биринчи ўринбосари Улуғбек Косимов бу лойихани Йеллоустон миллий боғи сингари ягона бўлишига ишонмоқда. "Йеллосустонга ҳар йили 20 миллион киши ташриф буоради. Бу маҳаллий аҳоли учун катта даромад бўла олади. Шу туфайли Жиззах вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда шу лойихани ишлаб чиқишига аҳд қилдик. Бундан кўзланган мақсад иккита: мавжуд экотизимни сақлаб колиши ҳамда аҳолига қўшимча даромад манбасини яратиш", дейди у. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, Йеллосустон дунёнинг тўнгич миллий боғи бўлса, Зомин миллий боғи эса Ўрта Осиённинг тўнгич миллий боғи ҳисобланади. Қолаверса бу иккана миллий боғ ҳам тог ҳудудида жойлашган бўлиб, бориши қулайлиги билан ажralиб туради.

Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, Зомин туманининг тогли ҳудудларида ёзниг исисик кунлари йилига 50-100 минг га яқин ташриф буюрувчилар бўлади. Сайёхлар оқимини янада кўпай-

2018/2-сон

тириш учун янги эко маршрут йұналишлари ва қишки chanfi спорт турларини ҳам ривожлантириш керак. Ҳудудға йил давомида хорижий ва махаллий сәйёхларни жаңы қилиш мақсадида chanfi спорты, осма ва арқон күпприклар, фуниклер қурилиши ҳамда мемонхоналар каби инфраструктуралар жаңон туризм талаблари даражасында етказиш лозимдир.

Шу вактта қадар ҳам Зомин миллий богида табиатни асраш ва муҳофаза қилиш билан бир қаторда, ҳалқаро төр туризмини ривожлантиришга ҳам катта әзтибор беріб келинмоқда. Ҳудудда ҳалқаро төр туризмини ривожлантириштің асосий омилларига - ғылыми қызметтерге, шароити, төр ёнбағрларини қоллаган қалин арча үрмөншіліктер, субальп ва альп үтлеклар, күрүк икlim ва соғ ҳаво, азот ҳамда ҳавони ҳар хил касаллуклардан тозалувчи фитонцид енгил учувчи бирикмалар, узок давом этувчи қулатай ҳарорат шароити ва қүешли күнларнинг күллиги, организм учун оптималь нисбий намлік ва бошқа бир қанча икlim омилларини санаб үтиш мүмкін.

Мутахассисларнинг фикричаша, Зоминде үндандан бошланувчи Зоминсұв ҳавзалари икlim хусусияти жиһатдан, Үрта ер деңгиз икlim хусусияти билан деярли бир хилдір. Шу сабабли ҳам бу ерда, икlim билан дәволаш ва дам олишининг ғылыми манзиллари барпо этилган. Бунга яқын мисол сифатида, "Зомин оналар ва болалар санаторияси"нинг ушбу ҳудудда барпо этилгани ҳам бежиз эмасдір.

Зомин санаторияси ультрабинафша қуёш нұрларига бой ва ҳұшманзара төр ҳавосига зә бўлиб, нафас олиш органлари касаллукларини даволашга ихтисослашған. Зомин санаторияси 600 ўринли даволаниш маскани ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш ўринлікі, санатория түйіл давомида дам оловчи ва даволанувчилар билан тұла эканлигини күриш мүмкін. Бу ерга дам олиш ва даволаниш учун нафақат махаллий, балки хориждан ҳам күплаб сәйёхлар таширif буюрмоқда.

Баҳор ва ёз фаслларыда дам оловчиларнинг сони (тәхминан бир вактнинг ўзіда 6000 киши дам олади) күттөнгенде, Зомин санаторияси дам оловчиларнинг әхтиёжіни түлік қондира олмаяпты. Шу сабабли ҳам Зомин санаториясидан қайироқда, қулатай шаройтларга зә бўлган, бир қанча дам олиш масканларини барпо этилган. Буларга, "Үрикли сой", "Зилола", "Бухорай Шариф", "Plato" каби дам олиш масканларини мисол бўлади.

Даволаш масканы атрофи қалин арчазорлар билан қолланған. Арча дараҳті ўзидан фитонцид моддалари чиқарып ҳаводатынан микробларни үлдіради. Шунинг учун ҳам төр ҳавоси тоза бўлади. Ушбу даволаниш масканыда бўғмә йўтал (астма) касаллуклари табиий равищда ҳам даволанади.

Туркистан тизмасининг шимолий ёнбағрида ғалов ва бетага ўсимликлари кенг тарқалан. Ғалов ва бетага ўсимликлари тайланған. Махаллий ахоли тайланған. Махаллий ахоли тайланған. Қимиз ошқозон, ичак касаллукларни даволаш учун

энг яхши табиий малхам ҳисобланади. Бу ерда тайёрланадиган қимиздан даволаш мақсадида фойдаланиш мүмкін. МДХ давлатларидан қимиз асосида даволаш, Россия Федерациясыннан ғашырылған. Қимиз орқали табиий даволаш үсули, келгусида Зомин санаториясида ҳам йўлга кўйилса дам оловчи ва даволанувчилар учун қўшимча кулайликлар яратилған бўлар эди.

Зоминсұв ҳавзаси ҳудудида бир неча қишлоқлар жойлашған. Миллий боғнинг шимолий қисмидан Еттикечүв, қоронғисой, Тоғтерак, Үриклисой каби ахоли пунктлари бор. Миллий боғнинг жанубий қисмидан қашқасув ва қизилмозор қишлоқлари жойлашған. Шунингдек, Зомин миллий боги ҳудудига кирганда Арчамозор, Айиклисой, Енғоқсой ва Олмасой каби табиати мафтункор бўлган сойликлар учрайди[2, 33-41].

Зомин миллий богига келган туристларни бу ерда табиатнинг ажойиб тақрорланмас ноёб ҳодисалари бўлган қалин арчазорлар билан қолланган төр рељефи, мағрур турган төр чўққилари, шара-шаралар, карст воронканлари, горлар (20 ортиқ гор бор), ноёб ўсимлик ва кўплаб ҳайвон түрларини ҳам учратиш мүмкін. Бу ерда нураш натижасида хосил бўлган одамсизмон тош шакллар (кирқ киз), дунёда кам учрайдиган арил (кургоқчи) миңтақалар учун хос бўлмаган супер экзотик карст жараёнлари "жуякли", "шудгорсизмон" ҳамда "чукурчалар" туристларни ўзига "тортиб", "лол" колдиради.

Зомин миллий боғ маъмурияти томонидан, боғ ҳудудида туристларнинг ҳаракатланиши учун 6 та экологик сўқмок маршрутлари ишлаб чиқилған.

1-маршрут. Бу маршрутда Үриклисойдан бошлаб Мирзоулен довонигача сәйёхат қилинади. Сәйёхат давомида факат төрнинг тёпа қисмидан пиёда юрилади. Төр ҳайвонларидан айик, ёввойи чўчка, қуён ва турли қышларни кўриш мүмкін.

2-маршрут. Зомин - Бахмал автойўлидан факат автобусларда сәйёхат қилиш мүмкін. Чортанги дарасига етиб борилса, тик қояларни ва ҳар хил йиркич қушларни кўриш мүмкін. Бу ерда кора лайлак, болтаютар ва бошқа турларни йиркич қушлар кўплаб учрайди.

3-маршрут. Үриклисойдан бошланиб Тақали чўққигача сәйёхатнилар факат пиёда бориши режалаштирилиб, қиска муддатта дам олиш жойлаштирилди. Бу жойларда асосан ҳайвонлардан ёввойи чўчка, айик, бўри, тулки ва төр тақаларини кўриш мүмкін.

4-маршрут. Усмонлисой қишлоғидан бошланади. Маршрут түгри Ангренсой ва үндандан кейин Айрилиқсойгача олиб борилади. Бу жойларда асосан ҳайвонлардан ёввойи чўчка, айик, бўри, тулки ва төр тақаларини кўриш мүмкін.

5-маршрут. Үриклисойдан бошланиб Иғрайлисой ача давом этади. Бу маршрут асосан табиат манзараси билан бирғаликда баланд қоялар, турли манзаралар ва айик, силовсин, турли қушларни учратиш мүмкін. Сәйёхат факат пиёда амалга оширилади.

6-маршрут. Еттикечүв қишлоғидан бошланади ва сой бўйлаб юрилади. Михсойга борилганда у ердаги эски, бир неча асрлардан бери сақланиб

келинаётган қадимий хитой қўргонларини томошо килиш мумкин. Хайвонлардан жайратулки, бўри ва ёввойи чўчқалар кўплаб учрайди ҳамда турли хил форларнинг хусусияти билан танишилади.

Зомин миллий боги ҳудудидаги экзотик манзараларни кўриш учун албатта, келиб-кетиш масофаларини ҳам ҳисобга олиш лозимдир. Миллий бог билан Зомин шаҳри орасидаги масофа - 49 км. Миллий бопга энг яқин темирйўл станцияси Дашибод шахригача бўлган масофа - 62 км. Туристик ҳудудга хорижлик сайёхларни келиб-кетишни йўлга кўзишда Тошкент-Самарқанд электрлаштирилган темирйўлдан унумли фойдаланиш мумкин. Тошкент-Самарқанд электрлаштирилган темирйўли Зомин туманининг Дашибод шаҳри оркали ўтади. Зомин-Дашибод шаҳарлари орагидаги масофа бор йўғи 13 км ни ташкил этади. Бу йўналишда келиб-кетиш хорижлик сайёх-

лар учун тез, арzon ва қулай ҳисобланади.

Бахмал ва Зомин туманларида туризм соҳаси бўйича кластер лойиҳасини амалга ошириш учун Beijing Jiufang Grang Move Transportation Equipment Co. Ltd компанияси ҳамда ДСҚД бирлашмаси билан меморандум имзоланди. Меморандумга кўра, туризмни ривожлантириш билан бир қаторда, Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрида темирйўл инфратузилмасини яхшилашни режалаштирилган.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасидаги темирйўл ва қолаверса автомобил йўлларни янада яхшиланиши учбу шаҳарлар оралиғида жойлашган Жиззах вилоятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида Жиззах вилоятининг туристик ҳудудлари бўлган Бахмал ва Зомин туманларида хорижлик сайёхлар оқимини ортишига олиб келади.

**ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси статистика маълумотлари. Тошкент 2018.
2. Рӯдалов М.Р. Жиззах вилояти табиити ва уни мухофаза қилиши. Тошкент. "Фан ва технология" нашриёти. 2014. 33-41 б.
3. Холдорова Г.М., Ҳазраткулова Г. М., Муродова Г. Жиззах вилоятида туризмни ривожлантириш истиқболлари. География ва география таълимидағи муаммолар. Республика илмий-амалий конференция материаллари.- Жиззах 2018.

